

Муроқабанинг фойдалари | Тазкия дарслари (299-дарс)

ТАЗКИЯ
299-ДАРС

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг «Тасаввуф ҳақида тасаввур», «Рухий тарбия» 1-2-3-жузи ва «Хислатли ҳикматлар шарҳи» 1-2-3-4-5-жузи китоблари асосида бериб борилади. Мавзуларнинг тўлиқ матни билан танишиш учун китобнинг ўзига мурожаат этиш тавсия этилади.



19:00 / 22.09.2024 1980

1. Муроқабани жаннатни ютиб олиш ва дўзахдан нажот топишдир.
2. Муроқабани қиёмат кунидаги катта қўрқинчдан омонликдир.
3. Муроқабани иймоннинг камоли ва Исломининг жамолига далилдир.
4. Муроқабанинг самараси Аллоҳ таолонинг муҳаббатидир.
5. Муроқабани яхши оқибатнинг белгисидир.
6. Муроқабани банданинг солиҳлиги аломатидир.

Бир бандани ўзининг ҳолини билмоқчи бўлса, камолга етгани ёки етмаганини синамоқчи бўлса, ўз қалбидан мазкур икки мақомни – муроқабани ва мушоҳадани изласин. Агар қалбида муроқабани ёки мушоҳадани топса, ўзининг тўғри кетаётганини билсин. Мазкур икки нарсадан бирини топмаса, топишга ҳаракат қилсин.

Муроқабани мақоми, яъни Аллоҳ таоло уни кўриб ва эшитиб турганини ҳис қилиш қалб тирик эканининг аломатидир.

Агар қалб хаста бўлса, бу мақомга эришиб бўлмайди.

Зикр ва фикр кўп бўлмаса ҳам, мазкур мақомга эришиб бўлмайди.

Тоат ва ибодатда мувоқабат ихлос билан юзага чиқади.

Маъсиятда мувоқабат тавба, надомат ва гуноҳдан ажралиб чиқиш билан юзага чиқади.

Мувоқабат нарсаларда мувоқабат одобга риоя қилиш билан юзага чиқади.

Неъматлардаги мувоқабат шукр билан юзага чиқади.

Мувоқабатлардаги мувоқабат сабр билан юзага чиқади.

«Руҳий тарбия» китобининг 2-жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 14 апрелдаги 03-07/2439-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.